www.ishonch.uz | ishonch1991@yandex.uz | https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi | https://t.me/ishonchgz

*Ўз вужудингга тафаккур айлагил,*
*Ҳар не истарсен, ўзунгдин истагил.*

Алишер Навоий

# Ishonch

*Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!*

2022 йил
29 октябрь
шанба
№ 132 (4728)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган



Фарғона вилояти

Касаба уюшма аралашгач...

# «ТЕЗ ЁРДАМ» ҲАЙДОВЧИСИГА ТЕЗКОР КЎМАК

**Мухторжон Турсунов 2016 йилдан буён Фарғона шаҳридаги «Шифо тез ёрдам» корхонасида ҳайдовчи бўлиб ишлаб келаётган эди. Ўша куни у ярим тунда навбатдаги чақирувга борди.**

Шифокор беморнинг ҳолидан хабар олишга кириб кетгач, машинани йўналишга тўғрилаш мақсадида ён-атрофни кўздан кечирмоқчи бўлди. Аммо шу пайт оёғи тойиб, чуқурга тушиб кетди. Рўй берган бахтсиз ҳодиса натижасида ўнг сон суяги синди ва жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

Вилоят туманлараро тиббий меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК)нинг хулосасига биноан, М.Турсуновга иккинчи гуруҳ ногиронлиги тайинланди.

Лекин суғурта компанияси ва иш берувчи суғурта тўловларини тўлашдан бош тортди. Бундан норози бўлган ходим Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашига мурожаат қилди.

Ушбу ҳолат масъул мутасаддилар томонидан синчиклаб ўрганилди. Вазиятдан келиб чиққан ҳолда, иш берувчи ва суғурта компаниясига меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик доирасида тушунтириш берилди.

Ниҳоят, касаба уюшмаларининг аралашуви билан «Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома» расмийлаштирилиб, жабрланувчига 23 миллион 979 минг сўм моддий зарар ундириб берилди. Шунингдек, унга меҳнат қобилиятини йўқотгани боис 1 миллион 198 минг сўм доимий нафақа тайинланди.

**Равшан ФОЗИЛОВ,**
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат инспектори

Қашқадарё вилояти

Бошланғич ташкилотларда




# СЕРМАЗМУН ВА СЕРФАЙЗ ҲАФТАЛИК

**Тошкент кимё технологиялари институтининг Шаҳрисабз филиалида Ўзбек тили ҳафталиги тадбирлари доирасида профессор-ўқитувчилар, ишчи-ходимлар ва талабалар ўртасида «Она тилим – фахрим!» мавзуида челленж ўтказилди.**

Шунингдек, талабалар «Она тилим – бу миллатнинг руҳи» мавзусида «Заковат» викторинаси ҳамда «Тил – миллат кўзгуси» иншолар танловида фаол қатнашишди.

Филиалнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари томонидан тайёрланган «Она тилим – сururингдан сархуш дилим» маданий-маърифий тадбири ҳам барчада катта таассурот қолдирди. Давлат тили, ватан ҳақида айтилган шеърлар, саҳна кўринишлари, куй-қўшиқлар, пурмаъно ҳикматли сўзлар тадбирнинг ҳақиқий безаги бўлди.

Ҳафталик тадбирларида фаол қатнашган талабалар филиал маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси томонидан эсдалик совғалари ва китоблар билан тақдирланди.

**Обиджон МАҲМУДОВ,**
Тошкент кимё технологиялари институти Шаҳрисабз филиали касаба уюшма қўмитаси раиси

## «Ishonch»га жавоб берадилар

# МУАММОЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, ТЕГИШЛИ ЧОРАЛАР КЎРИЛАДИ

**Таҳририятимизга «Ishonch» газетасида чоп этилган «E-huquqshunos» электрон тизими: янгилик яхшилик учунми ёки янглишиш учун?» сарлавҳали мақолада кўтарилган масала юзасидан Халқ таълими вазири ўринбосари Т.Комилов имзоси билан жавоб хати келди. Унда шундай дейилади:**


Адлия ва Халқ таълими вазирликларига!
«Ishonch» саволи
«E-huquqshunos» электрон тизими:
ЯНГИЛИК ЯХШИЛИК УЧУНМИ ЁКИ ЯНГЛИШИШ УЧУН?

*«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июндаги «Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5168-сонли қарори билан тасдиқланган «Юридик хизмат кўрсатиш марказлари тўғрисидаги Низом»га мувофиқ марказлар томонидан 2021 йил 1 октябрдан туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига юридик тусдаги ҳужжатларга хулоса олиш бўйича «E-huquqshunos» электрон тизими орқали хизмат кўрсатиб келинмоқда.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги «Юридик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини янада кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-173-сонли қарорига асосан Юридик хизмат кўрсатиш марказлари томонидан 2022 йил 1 августдан бошлаб тизимдаги давлат умумтаълим мактабларига босқичма-босқич хизмат кўрсатиш белгиланган.*

*Ҳақиқатан ҳам, газетанинг 2022 йил 8 октябрдаги 123-сонида чоп этилган **«E-huquqshunos» электрон тизими: янгилик яхшилик учунми ёки янглишиш учун?»** сарлавҳаси остида чиққан мақолада кўрсатиб ўтилган муаммолар мавжуд бўлиб, айрим туман (шаҳар)ларнинг юридик хизмат кўрсатиш марказларига келиб тушган юридик тусдаги ҳужжатларга ҳудудий хулоса бериш муддатини ўтказиб юбориш ҳамда «E-huquqshunos» электрон тизимида техник носозлик ҳолатлари учраётгани кузатилмоқда.*

*Бу борада вазирлик томонидан юзага келаётган муаммолар таҳлил қилиниб, келгусида мазкур муаммоларнинг бартараф этилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига хат йўлланган».*

Сирдарё вилояти

Луқма



# Ҳазрат Навоий «Хамса»ни лотин алифбосида ёзганми?

**Нурчилар шаҳри Шириннинг «Бунёдкор» маҳалласида ўзбек адабий тилининг асосчиси, давлат арбоби ва мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳайкали ўрнатилганига анча бўлди.**

Яқинда шаҳарда бўлиб муҳташам обидага зингил назар солдим ва ҳайкалнинг бир унсури эътиборимни тортди: ҳазрат қўлида шоҳ асари «Хамса»ни ушлаб турибди. Бироқ унинг муқовасига китоб номи лотин алифбосига асосланган янги ўзбек ёзувида «XAMSA» деб битиб қўйилган.

Маълумки, ҳазрат ўз асарларини араб ёзувида битган. Ҳайкалда давр колорити (манзараси), албатта, акс этиши шарт эди. Узоқ йиллар қад кериб турадиган бундай обидаларга масъулият билан ёндашишни санъат қонунияти тақозо этади. Зеро, мамлакатимизнинг барча шаҳарларида ўрнатилган ҳазрат ҳайкалларида бу қоидага изчил амал қилинган.

Ўша дамдан буён хаёлимдан: «Мир Алишер Навоий асарларини лотин алифбосида ёзганми?» деган кинояли савол кетмаяпти...

**Муҳаммадали АҲМАД**

Самарқанд вилояти

«Ishonch» саволи

«Ўзёғмойсаноат» уюшмасига!

# ЁҒ ДЕБ ЗАҚҚУМ ЮТМАЯПМИЗМИ?

**Гапнинг дангалини айтганда, кейинги вақтда ўсимлик ёғининг нафақат нархи, балки сифатидан ҳам кўнгил тўлмаяпти. Ажабланарлиси, дўкондан харид қилинган ёғлар, хусусан, пахта ёғида турли чўкмалар учрайди. Доғлашда бекалар қўланса, аччиқ ҳиддан озорланаётгани ҳам бор гап. Ҳолбуки пахта ёғи 120$^0$ даража иссиқда қайнатилиб, сўнгра ишлов берилишини эшитганмиз. Ва лекин...**

Шубҳа-гумонлардан ҳоли бўлиш учун бир мисол. Республика мувофиқлаштирувчи комиссияси томонидан ўрганилган (2021 йил июнь ҳолатига кўра. Манба: kun.uz) 303 та ёғ-мой корхонасининг 77 таси техник қайта ишлаш учун белгиланган талабларга мувофиқ фаолият юритмаётгани, 226 та корхона фаолияти қарор талабларига мувофиқ эмаслиги қайд этилган. Жумладан, 35 та истеъмол ёғи ишлаб чиқараётган корхонада ҳеч қандай техник ускуналар бўлмаган. Бир қисмида пресслаш, 13 тасида экстракциялаш ускуналари йўқ экани аниқланган. Қолаверса, 126 та корхонада технологик циклларнинг иккитадан ортиқ айрим турлари йўқлигига нима дейсиз?

Биз бирор жойда талабга жавоб бермайдиган ёғларнинг йўқ қилинганини ёки сотувдан қайтариб олинганини эшитмадик. Бундан келиб чиқадики, сифатсиз ёғни ҳануз, яъни ҳозир ҳам истеъмол қиляпмиз...

Бу ёғ ва ёғ маҳсулотлари саломатлигимизга зарар етказмаслигига кафолат борми? Мутасаддилар бу ҳақда тегишлилиги бўйича тўлиқ маълумот бера оладими?

**Расул СУЮНОВ,**
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши бош ҳисобчиси



## КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ...









*Фарғона вилояти*

Учрашув

**«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ижодий жамоасининг фарғоналик газетхонлар билан учрашуви қизғин фикр ва мулоҳазаларга бой бўлди.**

## Муштарийлар эътирофи:

# «ISHONCH» ишончимизни оқламоқда»



Фарғона ихтисослаштирилган санъат мактабида ташкил этилган тадбирда муштарийлар томонидан газетанинг фаолияти эътироф этилиб, нашрнинг мазмун-мундарижасини янада бойитиш борасидаги таклифлар ўртага ташланди.

– Севимли нашримиз ҳисобланган «Ishonch»да кейинги вақтда «мих» мақолаларнинг сони кескин ошди, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Данғара тумани кенгаши раиси Мирзажон Қурбонов. – Шунингдек, газета саҳифаларида тараққиётга тўғаноқ бўлаётган омиллар, ён-атрофимиздаги ижтимоий муаммолар дадил кўтарилиб чиқилмоқда. Газетада танқидий, таҳлилий, мушоҳадага чорловчи мақолаларнинг кўпайиб бораётгани эса муштарийларнинг нашрга бўлган ишончини янада оширмоқда.

– «Ishonch» газетасида чоп этилаётган ранг-баранг мавзудаги мақолалар муштарийларни бефарқ қолдираётгани йўқ, – дейди Олтиариқ тумани 4-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Мунавварxон Раҳимбердиева. – Ҳамкасбларимиз билан ўзаро суҳбатларда «Ishonch»да чоп этилган мақолаларни муҳокама қиламиз. Чунки газетанинг ҳар бир сонида бизни қизиқтирадиган мақолалар кўп бўлади.

– Шахсан ўзим ва институт жамоаси «Ishonch» газетасининг ҳеч бир сонини қолдирмасдан ўқиймиз, – дейди Фарғона политехника институти касаба уюшма қўмитаси раиси Бахтиёр Дадажонов. – Унинг ҳар бир сонида, албатта, долзарб мавзу кўтарилади. Айниқса, газета саҳифаларида берилаётган «Касаба уюшмалари аралашгач», «Жавобини кутаётган саволлар», «Оғриқ тишлар», «Ishonch» саволи» каби рукнлар остида берилаётган мавзуларни қолдирмасдан мутолаа қиламан. Қолаверса, бу каби мақолалар кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Муштарий сифатида айтишим мумкинки, бугун «Ishonch» республикамиздаги етакчи нашрлардан бирига айланди.

– Газета бугун замон билан ҳамнафас равишда одимлаб бормоқда, – дейди Риштон тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Моҳирахон Туйгунова. – Бунга газетанинг электрон вариантининг йўлга қўйилганини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Айни шу жиҳат ҳам газетанинг янада оммалашишига, ўқувчиларининг сони кўпайишига хизмат қилмоқда, десам адашмаган бўламан.

Учрашув давомида ўтказилган викторина саволларига тез ва тўғри жавоб берган фаол муштарийлар таҳририятнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Ўз мухбиримиз**

*Қорақалпоғистон Республикаси*

Миллий мониторинг

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг 2022 йил 5 сентябрдаги ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши ижроия қўмитасининг 2022 йил 16 сентябрдаги қарорларига асосан жорий йилнинг 26 сентябридан 31 октябригача Миллий мониторинг ўтказилмоқда.**

# САЛБИЙ ҲОЛАТЛАР АНИҚЛАНМАДИ

– Тадбир давомида Оролбўйининг барча туманлари пахта далаларида теримчилар билан яқиндан суҳбат олиб борилиб, кўнгилли теримчиларга, олис ҳудуддан келган ҳашарчиларга яратилган шарт-шароит, иссиқ овқат, ичимлик суви билан таъминланиш даражаси, теримчиларга иш ҳақилари вақтида тарқатилиши билан яқиндан танишилди, – дейди ишчи гуруҳ аъзоси Бекполат Утепбергенов. – Жумладан, Нукус туманига ташриф давомида «Қырантаў» овул фуқаролар йиғинидаги «Медет» фермер хўжалиги пахта даласида теримчилар Онгарбай Каримбетов, Рано Таджимова, Дамехан Қалимбетова билан суҳбат ўтказилди. Фермер даласида 60 нафар теримчи иштирок этмоқда. Терим пуллари вақтида берилаётгани ҳамда теримчиларга барча шароитлар яратилгани қайд этилди.

Шунингдек, «Қутанкул» маҳалла фуқаролар йиғинидаги «Жайхун» фермер хўжалиги, «Дарсан» овул фуқаролар йиғинидаги «Дарсан агрокластер» масъулияти чекланган жамияти, «Бақаншақли» овул фуқаролар йиғинидаги «Самам Нукус» фермер хўжалиги далаларидаги ишлар ўрганилди. Мониторинг пайтида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат аниқланмади.

Суҳбатларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан сўнгги йилларда ижтимоий меҳнат муносабатларини такомиллаштириш, мажбурий меҳнатнинг олдини олиш, унга йўл қўймаслик, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатини ҳимоя қилиш йўналишларида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ратификация қилинган Халқаро меҳнат ташкилотининг 29, 105, 138, 182-сонли конвенцияларининг мазмун-моҳияти юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди.

Мониторинг ишлари давом этмоқда.

**Довуд ЕСЕМУРАТОВ**

*Қашқадарё вилояти*

«Аёллар дафтари»ни варақлаганда...

**Қамаши тумани «Қорасув» маҳалласида яшовчи Ойдин Бозорованинг уч нафар фарзанди бор. Тақдир бу аёлни кўпдан-кўп синовларга дучор қилди, катта қизи Лайло кар-соқов туғилди, боз устига, кичик қизи Шабнамнинг ҳам эшитиши паст эди.**

# Кўзланган мақсадга эришилмоқда



Турмуш ўртоғи уста, 19 ёшни қаршилаган ўғли эса қассобга шогирд тушган, ҳунар ўрганмоқда. Онаизор яхши ниятлар билан қизларини 6-болалар мусиқа ва санъат мактабининг рассомчилик тўгарагига олиб бориб тўғри йўл тутганидан хурсанд. Қизлари чизган суратлардан кўнгли равшан тортади.

Маҳалла ва касаба уюшма фаолларидан иборат ишчи гуруҳ аъзолари хонадонма-хонадон юришганда Ойдинойнинг аҳволидан ҳам бохабар бўлишди. Шу тариқа уни «Аёллар дафтари»га киритишди. Шундан сўнг Шабнамга эшитиш аппарати тақдим этилди. Қиз чизган суратлари билан Зулфия мукофоти учун танловнинг туман босқичида қатнашди. Опаси Лайлонинг эса «Қишлоқ аёли» тадбирида расмлари кўргазмаси уюштирилди.

Шундай қилиб, опа-сингил турли тадбирларда фаол иштирок эта бошлашди. Уларнинг шууридаги руҳий изтироблар, одамовилик ўрнини ишонч, келажакка умид туйғулари эгаллади. Матонат соҳибаларининг суратлар кўргазмаси ташкил этилиши эса маҳорат чўққиси сари қўйилган муҳим қадам бўлди.

Ишчи гуруҳ аъзолари Ойдин Бозоровага «Имона Фахриддиновна» тикувчилик кооперациясига аъзо бўлишни таклиф қилишди. Натижада чеварликка мойиллиги бўлган аёл уйда ўтириб, буюртма асосида тикиш юмушларини бажараётир. Ҳарна-да, топган-тутгани рўзғорига наф.

Шу маҳаллада яшовчи Гўзал Ашурова ногирон. Оёғи суяк емирилиши дардидан озор чекади. Айниқса, кунлар совуса, оғриқ кучаяди. Шу боис, бир йилда икки марта даволаниб чиқади. Аксига олиб, эри ҳам касалманд. Буйрак етишмовчилиги ташхиси бўйича даволанади. Уч нафар фарзанди мактабда ўқийди.

Аёлнинг мураккаб ижтимоий аҳволи унинг «Аёллар дафтари»га киритилишига асос бўлди. Давлат томонидан ажратилган 5 миллион 360 минг сўм маблағ эвазига Қашқадарё вилоят шифохонасида даволаниб чиқди. Шунингдек, уч нафар фарзандига мактаб учун кийим-кечак олиб берилди.

– Ўзим ҳам, отаси ҳам олий ўқув юртида ўқимаганмиз, – дейди Гўзал. – Аммо болаларимизнинг яхши билим олиши тарафдоримиз. Институтда таҳсил олсин, деймиз. Давлат томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликка жавобан улар сидқидилдан ишлашини, Ватанимизга нафи тегишини истаймиз...

Навбатдаги қаҳрамонимиз – тўрт фарзанднинг онаси Сожида Келдиёрова. У ҳам ишсизлиги сабаб «Аёллар дафтари»нинг учинчи босқичида рўйхатга олинган.

Аслида бу чевар аёл ўзининг эски тикув машинасида қўни-қўшнилари буюртмасини бажариб турарди. Ишчи гуруҳ кўмаги билан унга кредит ҳужжатлари расмийлаштирилиб, 15 миллион 200 минг сўм маблағ ажратилди. Бу пулга Сожида замонавий тикув машинаси, дазмол ва бошқа зарур жиҳозлар харид қилди.

Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур, дейишганидек, айни чоғда чевар аёлнинг мижозлари кўпайган.

– Бекорчидан худо безор, – дейди тумандаги «Қамай» маҳалласида яшовчи Саида Бобоёрова. – Бир ҳовлида учта оила, 11 киши яшаймиз. Катталарнинг деярли барчаси ишсиз эди. «Аёллар дафтари» туфайли оиламизга 40 сотих ер майдони ажратилди. Кўкламда бу ерга полиз экинлари экдик, барчамиз бориб, далада ишладик. Қовун-тарвуз мўл бўлди. Сотдик, қариндошларга, қўни-қўшниларга бердик. Хуллас, яхши даромад қилдик. Мана энди ўғлимизнинг тўйини қилмоқчимиз...

Кўрдик, амин бўлдик, «Аёллар дафтари» шарофати билан кўпгина оилаларда ижобий ўзгаришлар бўй кўрсатмоқда. Муаммолар бартараф этиляпти. Миллат оналарининг қадди ва қадри кўтариляпти. Демак, дафтарни таъсис этишдан кўзланган мақсадларга босқичма-босқич эришиб борилаётир...

**Акмал АБДИЕВ**
«ISHONCH»

*Наманган вилояти*

Жараён







# Меҳнат қадрланган жойда

**Шундай корхоналар борки, сифатли маҳсулоти орқали нафақат бозорда ўз ўрнини топади, балки ходимлар учун қулай меҳнат шароити яратишнинг уддасидан чиқади ҳам. Наманган шаҳридаги енгил турдаги автомобиллар учун ёритиш чироқлари ишлаб чиқарувчи «UzChasys» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасини ана шундайлар сафига қўйиш мумкин.**

2008 йилда ташкил этилган корхонада бугунги кунда 790 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Технологик жиҳозлаш ишларига 30 миллион долларга яқин маблағ ажратилган бўлиб, ишлаб чиқарилаётган 32 турдаги маҳсулотлар нафақат юртимиз бозори ва «UzAuto Motors» автомобилларини ёритиш чироқлари билан таъминламоқда, балки Бразилия, Украина, Россия ва Қозоғистон учун ҳам фаралар етказиб бермоқда. Янги йил арафасида навбатдаги лойиҳа ишга тушгач, корхонанинг экспорт географияси Франциянинг етакчи автомобилсозлик компанияларидан бири – «Peugeot» ҳисобига кенгаяди. Шу билан биргаликда, кўплаб иш ўринлари яратилади. Таъкидланишича, жорий йилнинг биринчи ярмида «UzChasys»нинг экспорт салоҳияти 4 миллион долларга етган.

– Ходимларимиз учун жаҳон стандартлари даражасида шароит яратишга ҳаракат қилаяпмиз. Иш уч сменада давом этади, – дейди «UzChasys»нинг сотув ва бизнесни ривожлантириш бўлими бошлиғи Анвар Ўринов. – Ишчиларга икки маҳал иссиқ овқат берилади. Ойлик маошларига қўшимча равишда самарадорликка қараб рағбатлантириш ҳам йўлга қўйилган. Ҳар бир ходим ишга келганида меҳнат ва техника хавфсизлиги бўйича ўқитилади, махсус кийимлар билан таъминланади. Шу боис корхонамизда ишлаш истагида бўлган фуқароларимиз кўп.

Корхона ишчи-ходимлари билан суҳбатлашар эканмиз, улар бу масканда ишлаётганидан фахрланишини сездик. Корхона бош директори ўринбосари Содиқ Юнусовнинг айтишича, ишлаб чиқариш жараёнида ёшларнинг изланиши ва заковати муносиб баҳоланади ва янгиликлар рағбатлантирилади. Масалан, ўтган ойда ходим Зарифжон Тўрабоев корхона фаолиятига самарадорлик олиб келувчи рационализаторлик ишланмасини ҳимоя қилди. Гап шундаки, корхонада 90 фоиз иш жараёни автоматлаштирилган. Фараларнинг ён томонларини ташкил этувчи қисмига бўёқлаш цехида ранг берилади. Автомат – автомат-да, у ҳамма жойга бир хил «бориб келиши» ҳисобига бўёқларнинг исроф бўлиши кузатиларди. Зарифжоннинг лойиҳаси ушбу исрофгарчиликка чек қўйди ва авваллари 6 та маҳсулотга етган бўёқ эндиликда кўпроқ маҳсулотга етадиган бўлди. Табиийки, янгиликнинг ишлаб чиқариш жараёнига жорий этилиши натижасида маҳсулот таннархи тушди ва корхонанинг фойдаси ошди. Шу боис Зарифбекка корхона кўрадиган фойда ҳисобидан бир марталик мукофот пули – 30 миллион сўм тўлаб берилди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» «UzChasys»нинг доимий ҳамкорига айланган. Хусусан, шу йилнинг ўтган даври мобайнида 6 маротаба, жами 6 млн. 550 минг евродан зиёд корхона айланма маблағларини тўлдириш учун кредитлар ажратди. Корхона эса янги-янги лойиҳалар орқали ўз йўналишини кенгайтириш ҳаракатида.

– Ходимлар учун барча имтиёз ва қулайликлар, шу билан бирга, меҳнат қонунчилиги тартиби жамоа шартномасида ўз аксини топган, – дейди «UzChasys» корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Абдураҳмон Маҳмудов. – 2022 йил давомида 22 нафар ишчига сиҳатгоҳларга йўлланмалар берилди. Меҳр-оқибатни қарангки, аксарият ёшлар санаторийларга ўз отаси ёки онасини юборишди. Ўқув йили бошида фарзанди биринчи синфга чиқаётган 29 нафар ходимларнинг болаларига ўқув қуроллари жамланмасини туҳфа этдик. Ҳар бир иш ўрни инсоннинг соғлиғига хавфсизлиги бўйича шаҳодатланган. Ишчиларимизга мунтазам сут-қатиқ маҳсулотлари, хасталаниб даволанганида ёки операция жараёнини бошдан кечирганида энг кам иш ҳақининг 20 баробаригача моддий ёрдам кўрсатилади.

Биз кўпинча хориждаги корхоналар фаолияти билан танишганда гувоҳи бўладиганимиз бундай ижобий ҳолатларнинг юртимиздаги корхоналарда ҳам оддий ҳолга айланаётганини кўриб, тўғриси, ислоҳотлар самараси дея хурсанд бўлдик. Ишлаб чиқариш ютуқлари ўз йўлига, аммо қилаётган янгилиги учун ёшларнинг иқтидори муносиб баҳоланаётгани бу масканда нафақат соғлом муҳит барқарорлигидан, балки аввало инсон омили муҳимлигидан дарак беради.

**Зебо НАМОЗОВА**
«ISHONCH»

Суҳбат

# ИНФЛЯЦИЯ, ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА ИНҚИРОЗЛАР

## ёхуд Ўзбекистон даромади ўртачадан юқори давлатлар қаторига кира оладими?



***Ҳар бир давлатда иқтисодий ўсиш суръатларига кўра, инфляциянинг ўз меъёрлари бўлиб, бу кўрсатгичдан сезиларли даражада ошиши миллий валютанинг қадрсизланишига олиб келади.***

***Биз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Нодир ЖУМАЕВ билан инфляция, иқтисодий ривожланиш ва инқирозлар ҳақида суҳбатлашдик.***

**– 2-6 фоизлик инфляция мамлакатнинг иқтисодий ўсишига таъсир қилмайди, дейишади. Илғор давлатларда 2 фоизлик инфляция одатий ҳол. Ривожланаётган, бозор иқтисодиёти шаклланаётган мамлакатлар учун 6 фоизлик инфляция ҳам норма ҳисобланади. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига қараганда, жорий йил июлида Ўзбекистонда инфляция 12,3 фоизни ташкил этган. Бу белгиланган меъёрдан юқори эмасми?**

– Ҳозир бутун дунёда инфляция кучайиб бормоқда. Унинг юзага келиши сабаблари иккита. Биринчиси – монетар инфляция. Бунга пул массасининг керагидан ортиқ тўпланиши сабаб бўлади. Иккинчиси – номонетар инфляция. Унда бирламчи товарлар нархлари ошади, натижада ҳатто пул массаси бир маромда бўлса ҳам, барча товарлар қимматлашади. Масалан, энергетика ва ёқилғи-ёнилғи маҳсулотларини олайлик. Уларнинг нархи барча товарлар таннархига таъсир қилади. Дейлик, инфляцион кутилмаларнинг асосий омиллари сифатида бензиннинг қимматлашиши транспорт харажатлари, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва импорт товарлари баҳоси ошишига олиб келиши мумкин.

Бундан 12,3 фоизлик кўрсаткич дунё ҳамжамиятининг узвий қисми бўлган Ўзбекистонга жаҳон иқтисодиётининг таъсири оқибатидир, деган хулоса чиқариш мумкин. Аммо мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ўсиш кўрсаткичларини сақлаб қолаётгани турли хавотирларни ортга суради.

Марказий банк маълумотига кўра, 2021 йилда озиқ-овқат, энергетика ва ёқилғи-ёнилғи нархларидаги ўсиш глобал инфляцион жараёнлар тезлашишига олиб келди. Дастлаб вақтинчалик деб эътироф этилган инфляцион жараёнлар йил охирида ноаниқликлар ва пандемик хатарлар фонида нархларга узоқроқ муддат давомида босим ўтказиши мумкинлиги кўзга ташланди.

Бултур асосий савдо ҳамкорларимиз валюталарида (Туркиядан ташқари) юқори даражадаги тебранишлар кузатилмаган бўлса-да, улардаги инфляцион жараёнлар кескин тус олди. Натижада сўмнинг алмашув курси девальвацияси 3,4 фоизни, яъни сўнгги уч йилликда энг паст кўрсаткични ташкил этди. Йил давомида мамлакатимизга экспортдан тушумлар ва трансчегаравий пул ўтказмаларининг мос равишда 34 фоиздан ошиши ички валюта бозорида валюта таклифини қўллаб-қувватловчи омилга айланиб, бозордаги умумий таклиф ҳажми 1,6 баробар ортишига олиб келди.

**ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ-ИЮНЬ ОЙЛАРИ ҲОЛАТИГА КЎРА, РЕСПУБЛИКАМИЗ АҲОЛИСИНИНГ УМУМИЙ ДАРОМАДЛАРИ ЎТГАН ЙИЛГИГА НИСБАТАН 22,5 ФОИЗГА ЎСИБ, 282,6 ТРЛН. СЎМГА ЕТДИ. ШУНДАН 70,3 ФОИЗИ БИРЛАМЧИ, 29,7 ФОИЗИ ТРАНСФЕРТ (ХОРИЖИЙ ВАЛЮТА)ЛАРДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРДИР. 2021 ЙИЛНИНГ МОС ДАВРИГА СОЛИШТИРГАНДА, АҲОЛИНИНГ УМУМИЙ ДАРОМАДЛАРИ ТАРКИБИДАГИ БИРЛАМЧИ ДАРОМАДЛАР ҲИССАСИ 74,6 ФОИЗДАН 70,3 ФОИЗГА КАМАЙГАН БЎЛСА, ТРАНСФЕРТЛАРДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАР ҲИССАСИ 25,4 ФОИЗДАН 29,7 ФОИЗГАЧА ЎСДИ.**

Соҳа олимлари ва технократлар иккига бўлинди. Биринчи тоифадагилар инфляцияни пасайтириш учун фоиз ставкасидан фойдаланишни ёқлаб, марказий банклар фоиз ставкасини ошириши даркорлигини таъкидлашади. Иккинчи тоифадагилар айни ҳолатда фоиз ставкаси ёрдам бермайди, тузилмавий муаммоларни бартараф этиш зарур, деган фикрни илгари суришади. Уларнинг уқтиришича, фоиз ставкани ўзгартирмаслик, айрим ҳолларда ҳатто тушириш лозим, бу эса инвестицион муҳитни яхшилайди, пировардида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳам ошади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси инфляция баъзан меъёр даражасидаги пул массаси мавжуд бўлганда ҳам рўй бериши мумкинлигини кўрсатмоқда. Жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатидаги салбий вазиятлар туфайли ҳозирги замон инфляцияси товарлар ва хизматлар баҳоларининг мунтазам ўсиши оқибатида пулнинг харид қобилияти пасайиши билан бир қаторда, ишлаб чиқаришдаги номутаносибликлар, пул муомаласи, молия ҳамда кредитга боғлиқ салбий ҳолатлар билан ҳам таснифланади.

Дунёнинг энг тараққий этган иқтисодиётига назар ташласак, 2020 йилда инфляция даражаси 2 фоиздан ошмаган, 2022 йил июнь-июль ойларида эса мос равишда 9,1 ва 8,5 фоизни ташкил этган. АҚШда инфляция кучайишига асосан Россия – Украина можаросини сабаб қилиб кўрсатишса-да, бу мамлакат иқтисодиётида пандемия таъсирини юмшатиш ва иқтисодиётда ялпи талабни тиклаш мақсадида фискал кенгайиш кучайгани ҳамда Федерал захира тизими томонидан катта миқдорда пул эмиссия бўлганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

**– Юртимизда инфляция даражасини пасайтириш, шу тариқа макроиқтисодий барқарорликка эришиш ва қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш борасида қандай ишлар амалга оширияпти?**

– Аввало, 2023 йилда инфляция кўрсаткичи 5 фоиз бўлишини таъминлаш бўйича муҳим ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Унда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш учун иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизмлари ва инструментларини қўллашни кенгайтириш, шунингдек, пул-кредит сиёсати самарадорлигини тубдан ошириш вазифалари белгилаб берилди.

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг келгуси 12 ой учун инфляцион кутилмалари 15-16 фоиз атрофида шаклланмоқда. Жорий инфляция даражасининг ўсиши асосан дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари, энергия ресурслари ва хомашёлар нархи ошиб бориши таъсирида юзага келяпти. Жумладан, жорий йилнинг июль ойида диёримизда озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг йиллик ўсиши 16,3 фоизга тенглашиб, умумий инфляция даражасига таъсири юқори бўлди. 2018 йил бошида 19,8 фоиз бўлган инфляция даражаси ўтган йил якунида 10 фоизгача пасайди. Шу даврда корхоналар томонидан амалга оширилган инвестициялар ҳажми қарийб икки баробарга ошиб, 37,9 трлн. сўмдан 71,3 трлн. сўмга етди.

Келгусида инфляцияни пасайтириш ва мамлакатда қулай инвестициявий муҳитни таъминлашга қаратилган мувозанатлашган пул-кредит сиёсатини юритиш Марказий банкнинг асосий мақсадларидан биридир.

**– Давлатнинг иқтисодий салоҳияти ЯИМ ҳажми билан ўлчанади. Бултур бизда у 734,6 трлн. сўмни, АҚШ валютасида 69,23 млрд. долларни ташкил этди. Жон бошига тақсимлаганда, 1983 долларгача кўтарилди. Бу ўсиш мамлакатда кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилганини ва кўпроқ хизматлар кўрсатилганини англатади. Ўз навбатида, давлат бюджетига солиқ тушумларини кўпайтиради. Ушбу омил мамлакат иқтисодиётида қандай намоён бўлди? Тўғрироғи, ЯИМ ҳажми кўпайса-да, товар ва хизматлар нархи ошишда давом этмоқда. Буни қандай тушунса бўлади?**

– Эътибор берган бўлсангиз, мамлакатимиз иқтисодиётида ўсиш кузатиляпти. Жумладан, ЯИМ 2017 йилда 5,3 фоизга, 2018 йилда 5,1 фоизга, 2019 йилда 5,5 фоизга, 2020 йилда 1,6 фоизга, 2021 йилда 7,4 фоизга ошди. Бу йил эса иқтисодий ўсиш суръати 5,9 фоизни ташкил этиб, ЯИМ ҳажми қарийб 840 трлн. сўмга етиши кутилмоқда. Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки прогнозлари 2021 йил учун 4-5 фоиз атрофида эди, лекин Осиё тараққиёт банки ноябрь ойи ниҳоясида прогнозларини янгилади.

**ДУНЁНИНГ ЭНГ ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН ИҚТИСОДИЁТИГА НАЗАР ТАШЛАСАК, 2020 ЙИЛДА ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИ 2 ФОИЗДАН ОШМАГАН, 2022 ЙИЛ ИЮНЬ-ИЮЛЬ ОЙЛАРИДА ЭСА МОС РАВИШДА 9,1 ВА 8,5 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТГАН. АҚШДА ИНФЛЯЦИЯ КУЧАЙИШИГА АСОСАН РОССИЯ – УКРАИНА МОЖАРОСИНИ САБАБ ҚИЛИБ КЎРСАТИШСА-ДА, БУ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДА ПАНДЕМИЯ ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШ ВА ИҚТИСОДИЁТДА ЯЛПИ ТАЛАБНИ ТИКЛАШ МАҚСАДИДА ФИСКАЛ КЕНГАЙИШ КУЧАЙГАНИ ҲАМДА ФЕДЕРАЛ ЗАХИРА ТИЗИМИ ТОМОНИДАН КАТТА МИҚДОРДА ПУЛ ЭМИССИЯ БЎЛГАНИНИ ҲАМ АЙТИБ ЎТИШ ЖОИЗ.**

ЯИМ ўсиши натижасида маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарилиши кўпайди, янги иш ўринлари очилиб, кўпроқ маош бериш имкониятлари кенгайди, малакали кадрларга эҳтиёж кучайди. Лекин иқтисодиёт ўсиши баробарида нарх-наволар ошиши ҳам кузатилса, буни ижобий ҳолат деб бўлмайди. Шундай эса-да, ЯИМнинг ўсиши ишсизлик кўпайишидан, аҳоли даромадлари пасайишидан афзалроқ ҳисобланади.

Жорий йилнинг январь-июнь ойлари ҳолатига кўра, республикамиз аҳолисининг умумий даромадлари ўтган йилгига нисбатан 22,5 фоизга ўсиб, 282,6 трлн. сўмга етди. Шундан 70,3 фоизи бирламчи, 29,7 фоизи трансферт (хорижий валюта)лардан олинган даромадлардир. 2021 йилнинг мос даврига солиштирганда, аҳолининг умумий даромадлари таркибидаги бирламчи даромадлар ҳиссаси 74,6 фоиздан 70,3 фоизга камайган бўлса, трансфертлардан олинган даромадлар ҳиссаси 25,4 фоиздан 29,7 фоизгача ўсди.

Энди бевосита саволингизга қайтайлик. 2022 йилнинг биринчи ярмида жаҳон иқтисодиётида ва ички иқтисодиётда кузатилган ҳолат эътиборга олинса, макроиқтисодий ривожланишнинг ҳеч бир сценарийсида кутилмаган воқеалар (жаҳон сиёсатидаги давлатлараро низоли жараёнлар) ўз-ўзидан ички ва ташқи бозор нархларига таъсир қилади. Қолаверса, бугунги геосиёсий вазият туфайли вужудга келган кескин шок ва ноаниқликлар ҳам ўз асоратини қолдиради. Бинобарин, Ўзбекистон иқтисодиётига салбий ташқи шоклар таъсир кўрсатмоқда.

Мавжуд вазият тақозоси билан йил охирига қадар «нисбатан қатъий» пул-кредит шароитлари сақлаб қолинади. Бундан мақсад миллий валютадаги активларнинг нисбий устунлигини таъминлаб бориш ва монетар омилларнинг нархларга таъсири минимал даражада бўлишига эришишдир.

**– Сўнгги йилларда миллий иқтисодиётимизни изчил ривожлантириш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Чунончи, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида шу даврда ЯИМни аҳоли жон бошига 1,6 баробарга ошириш, 2030 йилга бориб эса, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларига етказиш ҳамда даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар сафидан ўрин олишга замин яратиш белгиланган. Бунинг учун бизда имкониятлар етарлими?**

– Ушбу йўналишдаги эзгу мақсадларга эришиш йўлида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва йиллик инфляция даражасини 2023 йилгача босқичма-босқич 5 фоизгача пасайтириш, давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ва 2023 йилдан ялпи ички маҳсулотга нисбатан унинг 3 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлаш, ҳар бир туман бюджетининг камида 5 фоизини «Фуқаролар бюджети» дастури доирасида аҳоли таклифларига биноан энг долзарб муаммоларни ҳал этишга сарфлашни ташкиллаштириш, давлат қарзини бошқаришда йилига янги жалб қилинган ташқи қарз миқдори 4,5 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетмаслигига эришиш керак.

Тараққиёт стратегиясида кўзда тутилган даражага чиқиш учун Ўзбекистоннинг имкониятлари катта. Ҳозир улардан самарали фойдаланиш режалари тузилмоқда. Мамлакатимиз оқилона ташқи сиёсат олиб бораётгани сабабли халқаро майдонда ҳам ўз нуфузига эга. Минтақадаги давлатлар билан яқин қўшничилик алоқалари мустаҳкамланиши ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши юртимиз салоҳиятини янада кучайтиради. Икки давлат ҳудудини кесиб ўтиб, йирик сув ҳавзаларига чиқиш эса туризм ва логистик хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда ўта муҳим саналади. Мазкур соҳалардаги ютуқлар экспортни ҳар қачонгидан ривожлантириб, бандлик масаласини ҳал этиш имкониятларини кенгайтиради. Бу мақсадлар амалга ошиши учун минтақада тинчлик ҳукмрон бўлиши керак. Ўзбекистон унинг биринчи шарти сифатида инфратузилма объектларини ривожлантиришга, хусусан, транспорт коридорини кенгайтиришга алоҳида урғу бермоқда. Негаки, тинчлик барқарор жойда ривожланиш бўлади.

Бундан ташқари, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, хомашёни чуқур қайта ишлаш тармоғини ривожлантириш халқимизнинг турмуш даражаси ошишида ҳамда миллий иқтисодиётимиз равнақ топишида муҳим аҳамият касб этади. Масалан, пахта ва мисни қайта ишлаш натижасида 40-50 баравар кўпроқ фойда кўриш мумкин.

Мамлакатимиздаги энг катта ислоҳотлардан бири таълим соҳасида ўтказилмоқда. Бу – бежиз эмас. Илғор давлатлар тажрибасига назар ташласак, таълимнинг тўлиқ циклига киритилган инвестиция, яъни бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг таълим-тарбиясига сарфланган сармоя келгусида 15-17 ҳисса кўп наф келтириши аён бўлади.

Биз юқорида тилга олинган имкониятлардан тўғри фойдалансак, уларни янада ривожлантириш учун оқилона сиёсат юритсак, Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясида белгиланган муддатларда даромади ўртачадан юқори давлатлар сирасига кириши мумкин.

«ISHONCH» мухбири
**Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА**
суҳбатлашди

---

Оғриқ тишлар

***Фарғона вилояти***

# «ДАРДИМИЗНИ КИМГА АЙТАМИЗ?»

## *деҳқонтўдаликлар 30 йиллик муаммога ечим тополмаяпти*



**Бешариқ туманининг чекка ҳудуди бўлган Деҳқонтўда қишлоғи аҳлини 30 йилдан буён рўзғор учун энг керакли бўлган ичимлик сув муаммоси қийнаб келмоқда. Айниқса, минг нафарга яқин аҳоли яшайдиган Деҳқонобод кўчасидагилар учун ичимлик сувни ташиб келтириш ҳақиқий азобга айланган.**

Аҳоли канал ёқасидаги битта-ю битта полиэтилен қувурдан эрталаб ва кечга яқин келадиган сувга навбатда туришади. Улар бу муаммога ечим излаб, кўплаб жойларга мурожаат қилишган. Лекин...

Деҳқонтўданинг Деҳқонобод кўчасида бўлиб, қишлоқ одамларининг дарду ташвиши, ҳасратларига қулоқ тутдик.

– Қишлоғимизга одамлар 1989 йилдан кўчиб кела бошлаган, – дейди қишлоқ фаоли Назирали Эргашев. – Ўшандан бери сувни ташиб ичамиз. Айниқса, қишли-қировли кунларда сув ташиб келтириш ниҳоятда азоб. Кўп жойларга мурожаат қилдик. Лекин мутасаддилардан арзигулик жавоб олганимиз йўқ. Тўғриси, энди кимга мурожаат қилишга ҳам ҳайронмиз.

– Келин бўлиб тушганимга 22 йил бўлди, – дейди Мамлакатхон Усмонова. – Ўшандан бери асосий ташвишимиз – сув. Баъзан навбат кутиб, 2 соатгача вақт йўқотамиз. Энг ёмони, чироқ бўлмаган вақтда сув келмайди. Бундай пайтларда сувни 3-4 километр узоқликдаги қўшни қишлоқдан ташиб келамиз.

– Олис масофадан қийналиб, сув ташиймиз. «Башня»нинг мотори куйса, пул йиғамиз. Камига «Водаканал»дан келиб, киши бошига 5 минг сўмдан пул йиғишади, – дейди Қаҳрамон Турсунқулов. – Югур-югурдан чарчадик. Айтсам ишонмайсиз, биз ҳаммом деган сўзни луғатимиздан чиқариб ташлаганмиз, сув йўқлигидан болаларимизни ойда бир марта чўмилтирамиз. Ахир бу ердагилар ҳам ислоҳотлардан баҳра олишни, мушкуллари осон бўлишини истаашади. Масъуллардан илтимосимиз, ҳеч бўлмаса, кўчамизнинг бошигача сув тортиб беришсин. Қолган ишларни маҳалла-кўй билан ҳамжиҳатликда амаллаймиз.

– Сув қувури 2 метр пастликка жойлашган. Унча-мунча одам бу ерга тушишга қийналади. Айниқса, ёмғирли кунларда сирпанчиқ бўлади. Ўтган йили ёмғирда турмуш ўртоғимнинг оёғи тойиб кетиб, қўли синди, – дея қўшимча қилади Назирали Эргашев.




Одамларнинг куйинганича бор. Ахир улар 30 йилдан бери сув муаммоси билан яшаб келмоқда-да! Мутасаддилар эса бунчалар беларво бўлмаса?..

**Жамшид ЭРГАШЕВ**
«ISHONCH»



Иқтидорли ёшлар

# Ютқазган эмас, воз кечган инсон енгилади

**Бу йил Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланганлар орасида бухоролик Нафосат Давлатова ҳам бор. Унинг бундай нуфузли мукофотга сазовор бўлиш йўлидаги интилишларига гувоҳ бўлганлар қимирлаган киши қир ошишига яна бир карра ишонч ҳосил қилади.**

Нафосат қишлоқдаги мактабни аъло баҳоларга битиргач, Вобкент туманидаги саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежида таҳсил ола бошлади. Ўша кезлар «Юрт келажаги», «Йил сардори» танловларининг туман босқичи ғолиби бўлди, кейинчалик «Баркамол авлод» болалар марказининг «Бадиий нафосат билимдони» кўрик-танловида «Ёш журналист ва нотиқ» йўналиши бўйича республика босқичида 1-ўринни эгаллади. Ҳозиргача унинг «Умрим баҳори», «Ватан мадҳи», «Менинг бахтим» номли шеърий тўпламлари чоп этилди, йигирмадан зиёд илмий мақоласи хорижий газеталарда босилиб, ижтимоий тармоқларда ёритилди.

– Мактабимиз анча олисда жойлашганди. Дарсдан чарчаб келгач, апил-тапил овқатланиб, ҳамма болалар қатори яйловда мол боқишга ошиқардим, – дейди Нафосат. – Шеър ёзишга қизиққаним боис табиат қўйнида илҳомим жўшарди. Адабиётга иштиёқманд икки опам билан гурунглар ҳам менга завқ бағишларди. Ота-онам қизиқишимни пайқаб, ҳар куни икки соат вақтим йўлда ўтса-да, «Баркамол авлод» марказига қатнашимга рози бўлишди. Шу тариқа ҳам руҳий, ҳам моддий жиҳатдан астойдил қўллаб-қувватландим. Бир йил «Журналистика ва нотиқлик» тўгарагига қатнаб, ушбу касб этикасини ва сухандонлик сир-асрорларини анча-мунча ўрганиб олдим. Вилоят телевидениесида амалиёт ўташим эса журналистикага кириб келишимга туртки бўлди. Аслида олий ўқув юртига ўқишга кириш мақсадида репетиторга қатнаётган чоғим она тили ва адабиёт ўқитувчиси бўлишга аҳд қилгандим. Лекин устозим Роҳила Отаева «Сенинг журналистикага иқтидоринг бор, балки шу касбни эгаллашга ҳаракат қиларсан...» деди. Мен устозимнинг йўриғига юрдим. Ота-онам эса аввалига Тошкентга келишимга қаршилик қилишди «Қиз боласан, кўз олдимизда ўқиганинг маъқул», деб туриб олишди. Кейинчалик устозимнинг менга ишончи уларда ҳам ишонч уйғотди шекилли, пойтахтда ўқишимга рози бўлишди. Шу тариқа Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетига шартнома асосида ўқишга кирдим.

Ўша кезлари янги университетнинг ётоқхонаси йўқ эди. Отаси билан икки кун машина ичида тунагани Нафосатнинг эсидан ҳеч чиқмайди. Ниҳоят, университет яқинидан бир квартира топилди. Унинг эгаси кекса онахон бўлиб, 4 нафар талаба қиз яшар экан. Энди уларнинг сафига Нафосат ҳам қўшилди. Отаси бироз хотиржам тортиб, қишлоққа қайтди. Нафосат у билан хайрлашар экан, бўғзига нимадир тиқилгандек бўлди ва шу лаҳзаларда ўзи мустақил ҳаёт остонасида турганини ҳис этди.

Ота-боболаримиз «Мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмайсан», деб жуда тўғри айтишган экан. Буни Нафосат ижара уйда яшаш-у шартнома асосида ўқиш асноси чуқур англаб етди. Устози Роҳила Отаеванинг ишончи ҳамда келгусида эришажак ютуқларидан ота-онасининг қувониши уни ҳамиша дадилликка ундарди. Инчунин, гоҳида моддий қийинчиликлардан, гоҳида соғинч азобларидан изтироб чекса-да, ҳаммасига чидади. Эзгу мақсади йўлида кўп тўсиқларга дуч келса-да, ҳеч қачон ортга чекинмади. Ўқишдан ва изланишдан, олган билимларини мустаҳкамлашдан чарчамади. Шунинг баробарида ишлашга аҳд қилди. Аввалига университетда етакчи вазифасини бажарди, кейинчалик Халқаро пресс-клубда фаолият юрита бошлади.

Бемалол айтиш мумкинки, 2021 йил Нафосат учун омадли келди. Жумладан, январь ойида давлатимиз раҳбари билан учрашувда юнусободлик фаол ёшлар номидан сўзга чиқди ва медиа саводхонлик академиясини очиш бўйича топшириқ олди. Орадан ҳеч қанча ўтмай, кўпчиликнинг ёрдами билан Самарқандда ўша академия иш бошлади.

Албатта, серғайрат ва тиниб-тинчимас Нафосат Давлатованинг меҳнатлари ва эришаётган ютуқлари муносиб рағбатлантириб келинмоқда. Масалан, у Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги арафасида «Меҳр-саховат» кўкрак нишони билан тақдирланди. Жорий йилнинг 5 мартида эса Зулфия номидаги давлат мукофотига лойиқ кўрилди. Президентимиз унга ушбу медални топширар экан, «Нафосатни бутун республика танийди. Сенга омад! «Зулфия» мукофоти сен учун охирги марра бўлиб қолмасин, мен сенга ишонман!» деди.

Албатта, бу ёш қизга билдирилган юксак ишончдир. Айни чоғда, унинг зиммасига катта масъулият юклаши ҳам табиийдир. Шунинг учун ҳам Нафосат келажакда амалга ошириши зарур бўлган хайрли ишлар режасини тузиб олган. Ўз саъй-ҳаракатлари ва муваффақиятлари билан чекка қишлоқлардаги қизларга инсон астойдил интилса, ҳамма нарсага эришиши мумкинлигини намоён этиб келмоқда. Барча ёшларни эзгу аҳду паймонида собит туришга, ҳеч қачон ортга қайтмасликка ундамоқда. Зеро, унинг шиори ҳам қатъий: «Инсон ютқазганида эмас, воз кечганида енгилган ҳисобланади».

Насиб этса, Нафосат Давлатова етук журналист бўлиб етишади ва кўплаб шогирдларга устозлик қилишдек бахтга ҳам муяссар бўлади.

**Азиза ИБРОҲИМОВА,**
ЎзЖОКУ талабаси

Янги китоб

# АЁЛЛАР УЧУН ФОЙДАЛИ ҚЎЛЛАНМА

**Яқинда Адлия вазирлиги ташаббуси билан «Аёлларга ҳуқуқий мадад» номли амалий қўлланма нашр этилди. Шаҳноза Соатова ва Фурқат Тожиев ҳаммуаллифлигида, Музраф Икромовнинг умумий таҳрири остида тайёрланган китоб қонунчилигимизда рўй бераётган катта ўзгаришлардан, юртимизда аёллар учун яратилаётган талай имтиёз ва имкониятлардан опа-сингилларимизни хабардор қилишни кўзда тутади.**




2019 йили қабул қилинган «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги ҳамда «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар жамиятимиз, айниқса, аёллар ҳаётида муҳим воқелик бўлди. Гап шундаки, бунгача Ўзбекистон оилавий зўравонликни тақиқловчи қонунлари йўқ 46 давлат қаторида эди. МДҲ мамлакатларидан учтаси улар орасида бўлиб, 2017 йили Арманистон, 2019 йили Ўзбекистон тегишли қонунларни қабул қилгач, бу рўйхатдан чиқди. Эндиликда фаол аёлларни қўллаб-қувватлашга, жамиятда уларнинг нуфузини оширишга қаратилган давлат сиёсати юритилаётгани сабабли бу борадаги кўрсаткичларимиз тобора яхшиланиб бормоқда. Жумладан, хотин-қизларнинг раҳбарлик лавозимларидаги улуши 27, тадбиркорлар орасидаги улуши 25, сиёсий партиялардаги улуши 44, олий таълим тизимидаги улуши 46 фоизни ташкил этмоқда.

Президентимиз жорий йилнинг 7 мартида имзолаган «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга асосан 2022-2026-йилларда мамлакат иқтисодий-сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида хотин-қизлар фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур тасдиқланди.

1 сентябрдан эътиборан эса хусусий ташкилот-корхоналарда охирги олти ой давомида узлуксиз иш стажига эга бўлган аёлларга ҳар ой учун минимал истеъмол харажатлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўлаш йўлга қўйилди. Олий таълим, техникум ва коллежларда ўқиётган хотин-қизларнинг таълим контрактлари учун 7 йил муддатга фоизсиз кредитлар ажратиладиган бўлди. Магистратура босқичида ўқиётган опа-сингилларимизнинг контракт тўловлари қайтариш шартисиз қоплаб берилмоқда. Албатта, бу имтиёзлардан самарали фойдаланиш учун, аввало, аёлларимизга уларнинг мазмун-моҳиятини тўғри тушунтириш ҳам муҳим. Қўлланмада ана шу давлат сиёсатининг моҳияти, мақсади, гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқлари содда-лўнда тилда баён этилган.

Китоб 7 та бўлимдан иборат. Уларда «Никоҳ. Оила.», «Фуқаролик, паспорт, рўйхатга олиш», «Таълим», «Меҳнат», «Соғлиқни сақлаш», «Ижтимоий ҳимоя» ва «Маиший масалалар» йўналишларидаги қонунчилик тартиб-қоидалари батафсил тушунтириб берилган. Масалан, бир ўринда никоҳ шартномаси қандай ҳужжат эканлиги, эр-хотиннинг биргаликдаги мол-мулки деганда нималар назарда тутилиши, бошқасида ота-она ва болаларнинг мулки, исм-фамилияни ўзгартириш масалалари, бу ҳақдаги аризалар қай тартибда кўриб чиқилиши ҳақида сўз юритилади. Ёки боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси йўқолиб қолди ва топилмади, дейлик. Бундай ҳолатда ўша далолатнома ёзувини қайд этган ФҲДЁ органига ёки ўзи яшаб турган жойдаги ФҲДЁ органига мурожаат қилиб, такроран ҳужжат олиш мумкин.

Китобда ўлим ҳақидаги такрорий гувоҳномалар, никоҳ тузилгани ва ажрашганлик ҳақидаги такрорий гувоҳномалар берилишига оид зарур маълумотлар ҳам кенг ёритилган. Бундан ташқари, оилавий-маиший зўравонлик, унинг психик оқибатлари, фарзандлар руҳий ҳолатига ва ахлоқига зарари батафсил тушунтирилган. Далил сифатида ҳудудларимиздан бирида ўтказилган сўровнома натижалари келтирилган. Сўровномада қатнашганларнинг 14 фоизи оила аъзолари томонидан камситилишини, 9 фоизи оиласида ўзига нисбатан куч ишлатилганини ёки калтакланганини маълум қилган. Шу боис муаллифлар муаммо ҳақида гапириш билан чекланиб қолмай, унинг сабаблари, қонунларимизда зўравонларга нисбатан қандай жавобгарликлар белгилангани, зўравонликка учраган шахслар қаерга мурожаат қилишлари лозимлиги, уларнинг қандай ҳуқуқлари борлиги, бу борадаги жаҳон тажрибаси тўғрисида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришган.

Аёллар ҳаётининг ҳар бир босқичида ўзига хос вазиятларга рўбарў келади. Масалан, фарзандлари улғайиб, мактаб остонасига қадам қўйганида тўгаракларга олиб бориш, «Баркамол авлод» марказлари фаолияти билан қизиқади. Муаллифлар бу жиҳатларни ҳам эътибордан четда қолдиришмаган. Бу жараёнга жалб этишда нималарга аҳамият бериш, ҳатто кейинги олий таълим босқичи ҳақида ҳам тўхталишган, йўл-йўриқлар кўрсатишган.

Қисқаси, китобда ҳар қайси аёл ҳаёти давомида дуч келиши мумкин бўлган муаммоларнинг барчасига ҳуқуқий нуқтаи назардан жавоб топиш мумкин.

**Зебунисо ЯНГИБОЕВА**

Мушоҳада

**Сўнгги йилларда тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш дунё миқёсида анча оммалашди. Кўпчилик унинг ҳар жиҳатдан зарарли эканини яхши билса-да, бурқситиб тутатиб, хуморидан чиқишдан ўзини тия олмаяпти. Ҳақиқий кашандалар-ку, майли, ўзини ўзи заҳарлашдан тоймайди, лекин сигарета чекмай, унинг тутунидан заҳарланаётганларда нима айб?**

# Беайб маҳбуслар каби...

Тамаки чекиб кетаётган кишининг ёнида жажжигина қўллари билан унинг тутунига монанд хатти-ҳаракатлар қилиб бораётган болакайга раҳмингиз келади. Чунки кашанданинг хамроҳи суст (пассив) чекувчи, яъни тамаки тутунини ичига тортиб эмас, ҳидидан баҳраманд бўлиш орқали заҳар ютувчи саналади. Ота-онаси чекишга ружу қўйган болаларнинг зарарланиши фаол чекувчиларга нисбатан анча юқори эканидан, афсуски, ҳамма ҳам хабардор эмас.

Кўча-кўй ва жамоат жойларида, бекат ва истироҳат боғларида тез-тез оилавий кашандаларни ҳам учратамиз. Бу ота-оналар яхши ниятда норасидаларини сайрга олиб чиқишган, амалда эса уларнинг соғлиғига жиддий путур етказишаётганини англашмайди ҳам. Айниқса, баъзи эркакларнинг машинада ўтириб олиб, дилбандларини тутунга «тўйдириб» кетаётгани кишини қаттиқ ташвишга солади.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги асосий вазифалардан бири чекмайдиганлар ҳуқуқларини ҳимоялаш, жамоат жойларида чекишни тақиқлаш ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан иборатдир. Бироқ сизу биз кунда-кунора гувоҳ бўлаётган нохуш ҳолатлар туфайли ҳали тамаки маҳсулоти нималигини билмай туриб, ундан зарар кўраётган болаларни қанақасига соғлом ёшлар қаторига киритиш мумкин?!.

Болаларда тутундан касалланиш хавфи катталарга нисбатан анчайин юқори бўлади. Энг ачинарлиси, деярли ҳар куни сигарета ҳидидан баҳра олиб юрувчилар ҳақиқий кашандалардан кўра кўпроқ мушкул вазиятга тушиб қоладилар. Бора-бора айримлари чинакамига кашандага айланадилар.

Бундан анча йиллар олдин ҳомиладор ҳамкасбимиз бошлиғидан шикоят қилиб қолди. Айтишича, у котибалик қилаётганидан буён тутун ичида ишлашга мажбур бўлибди. Сабаби, кабинетининг эшиги кўпинча очиқ турадиган директор ҳар соатда камида икки дона сигарета тутатар экан. Устига-устак, уйида эри ҳам кетма-кет чекар экан. Дугонамиз уни бу йўлдан қайтаришга ҳарчанд уринмасин, фойдаси бўлмабди.

Бу гапларни эшитиб, беш йилдан буён фарзандли бўлиш орзусида яшаётган ҳамкасбимиз тутунлар орасида қолиб кетганига астойдил ачиндик, «Ишқилиб, боласи соғ-омон туғилсин», дея дуога қўл очдик.

Кўп ўтмай, у ўғил фарзандли бўлди. Бундан ўзи ҳам, оила аъзолари ҳам беҳад хурсанд эди. Аммо уларнинг қувончи узоққа чўзилмади. Чунки ҳеч қанча ўтмай, чақалоқ тиббий кўрикдан ўтказилганда унда оқ қон касаллиги борлиги аниқланди.

Қисқаси, бегуноҳ гўдак ҳали эс-ҳушини таниб улгурмасиданоқ оғир дардга йўлиқди. Аслида бу ён-атрофидагилар заҳарланишини ўйламайдиган кашандаларнинг касофати, аёлнинг эса ночорликдан эрта-ю кеч бадбўй ҳиддан нафас олиб юриши оқибати эди!

Дарвоқе, тамаки тутуни таркибида заҳарли моддалар кўп бўлиб, улар инсоннинг тана аъзоларини емиради. Янада аниқроғи, қон айланиши бузилиши ва томирларда қотиб қолишига, бош мия фаолияти сусайишига, хотира пасайиши ва ирсий касалликлар келиб чиқишига доялик қилади.

Айрим кишилар ҳаётдан норози бўлганда, юраги сиқилганда ёки зерикканда ўзини сигарета чекиш билан овутади. Уларнинг номақбул ҳаётни афзал кўришлари, дуч келган жойларда тамаки маҳсулотлари чекиб, ўзларининг ва бошқаларнинг соғлиғига хавф туғдиришлари ўта зарарли одатдир. Ўзи билиб-билмаган ва истамаган ҳолда сигарета тутунидан заҳарланиб, касалликка чалиниш арафасида турганлар эса беайб маҳбусларга ўхшайди.

**Матлуба АҲМЕДОВА**



ЭЪЛОН

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янги шаҳар кўчаси, 16Б-уй манзилида жойлашган «Samar Star Import» МЧЖ (СТИР: 309063453) жамиятнинг ягона аъзоси қарорига мувофиқ (2022 йил 27 октябрдаги 7-рақамли қарор) жамиятни «Shinam Sarmoya» МЧЖга қўшиб қайта ташкил этиш жараёнини бошлайди. Қайта ташкил этиш жараёни ўтказилгандан сўнг «Shinam Sarmoya» МЧЖ (СТИР: 308232694) «Samar Star Import» МЧЖнинг ҳуқуқий вориси бўлади.

Даъволар бир ой муддатда Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янги шаҳар кўчаси, 16Б-уй манзилида қабул қилинади.

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:**

**Қудратилла РАФИҚОВ** *(таҳрир ҳайъати раиси),*
**Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Суҳроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ** *(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),*
**Меҳриддин ШУКУРОВ** *(Масъул котиб – «Ishonch»),*
**Валентина МАРЦЕНЯК** *(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)*

**Бош муҳаррир**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Андижон вилояти** – (+998-99) 889-90-23
**Бухоро вилояти** – (+998-91) 406-43-24
**Жиззах вилояти** – (+998-99) 889-90-34
**Наманган вилояти** – (+998-99) 889-98-02
**Навоий вилояти** – (+998-99) 889-90-28
**Самарқанд вилояти** – (+998-99) 889-90-26
**Сирдарё вилояти** – (+998-99) 889-98-55
**Сурхондарё вилояти** – (+998-99) 889-90-32
**Фарғона вилояти** – (+998-99) 889-90-24
**Хоразм вилояти** – (+998-99) 889-98-01
**Қашқадарё вилояти** – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**
З. Рихсиев

**Мусаҳҳиҳлар:**
Д. Худойберганова, Д.Равшанова

**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **20:30**
Топширилди – **20:50**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма **Г-1006**
**31342** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

**Баҳоси келишилган нархда**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
**Корхона манзили:**
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130